

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАЕВА МЕХРИБО АБДУВОҲИТОВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Жумаева Мехрибо Абдувохитовна

Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга
тайёрлаш технологияси3

Джумаева Мехрибо Абдувахитовна

Технология подготовки будущих учителей к инновационной деятельности на
основе творческих подходов.....

Jumaeva Mexribo Abduvaxitovna

Technology of preparing future teachers for innovative activities based on creative
approaches

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАЕВА МЕХРИБО АБДУВОҲИТОВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped929 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Олимов Ширинбой Шарофович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Маъмуров Баходир Бахшуллоевич**
педагогика фанлар доктори, профессор

Киямов Нишон Садиқович
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

С.Қ.Қаҳҳоров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.Р.Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д (PhD), доцент

Ҳ.О.Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим ислохотларни амалга ошириш, тизимда янги инновацион технологияларни жорий этиш, иқтисодиётнинг барқарорлигини кадрлар касбий маҳорати ва ишбилармонлик малакалари орқали ривожлантириш муаммоси юзага келмоқда. Узлуксиз таълим тизимини амалга оширувчи педагог кадрларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш, шунингдек, таълим ва тарбия ишларини янги сифат босқичига олиб чиқиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашувлар асосида инновацион фаолиятга тайёрлашда изланувчанлик, топқирлик ва тадқиқотчилик каби педагогик хусусиятларига бўлган рағбатлантиришнинг мотивацион таъсирини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда ижтимоий соҳани ривожлантириш ва бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга оид қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, педагог-кадрлар инновацион фаолиятининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш, бу жараёнга нисбатан янгича муносабатни шакллантириш ва методологияни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Бўлажак ўқитувчиларни илғор таълим технологияларини қўллаш асосида инновацион фаолиятнинг самарадорлигини оширишга, компетенциявий, шахсга йўналтирилган ёндашувларнинг имкониятларини, методологик асосларини тадқиқ этиш зарурияти тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини янгилаш, педагог кадрларни тайёрлашнинг инновацион усулларини жорий этиш, замонавий таълимни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган туб ислохотлар олиб борилмоқда. “Ёшлар тарбиясини замонавий асосда, илмий-технологик талабларни ҳисобга олиб ислох қилиш, такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий ва маънавий асосда шакллантиришни тақозо этмоқда. Тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтариш даркор”¹. Шу нуқтаи назардан узлуксиз таълим тизимида ҳар бир шахснинг ижодий ҳамда танқидий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган мотивацион таъсирни аниқлаш, креативликни ривожлантириш кўрсаткичларини такомиллаштириш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2021 йил 1 апрелдаги ПФ-6198-сон “Илмий ва

¹ Мирзиёв Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.290-291

инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ-5047-сон “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқитувчининг педагогик фаолиятига кўйиладиган талаблар, уларнинг улуғланиши Шарқ мутафаккирлари Исмоил ал-Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалололдин Давоний, Абдулла Авлонийларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммолари республикамиз ва чет эллик мутахассислар томонидан бир қатор адабиётларда ёритилган. Олий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланганликни ташхислаш масалалари М.А.Абдуллажонов, О.А.Абдулина, А.А.Акбаров, Х.А.Абдурахманова, С.В.Сафоноваларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолиятини тадқиқ қилган педагог олимлар Ҳ.Абдукаримов, Н.Азизхўжаева, А.Алиев, Ю.А.Ахроров, Н.Р.Юсуфбекова, Б.Р.Жўраева, Ж.Ғ.Йўлдошев, Г.М.Махмутова, У.Н.Нишоналиев, Д.И.Юнусова, М.Очилов, Б.Рахимов, Н.Саидахмедов, Ў.Толипов, А.Т.Ғофуров, М.Жуманиёзова, А.А.Холиқов, Н.Шодиев, О.Ҳайдарова, А.А.Ҳамидов, Ф.Р.Юзликаев, Ж.Толипова, Ҳ.Т.Омонов, М.Усмонбоевалар ишларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, талабаларнинг дунёқарашлари, касбий ва мулоқот маданиятини ривожлантириш йўллари ва усуллари, шунингдек, ўқитувчиларни касбий тарбиялаш ва тайёрлаш муаммолари тадқиқ этилган.

Ноанъанавий дарс жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари, шунингдек, таълим технологияси тушунчасини мантиқий-ғоявий

жихатдан изоҳлаш борасида хорижлик олимлардан: В.П.Беспалько, Н.Ф.Гализина, А.Г.Морозов, Л.М.Митина, С.К.Исламгулова, Т.Н.Балло, В.А.Сластёнин, Л.В.Занков, Т.Я.Галперин, В.Н.Давидов, А.А.Вербицкий, Г.К.Селевко, С.М.Маркова, В.В.Юдин, Б.Л.Фарберлин, И.П.Волков, М.В.Кларин ва бошқалар, хориж олимларидан Е.М.Paciulan, А.К.Ellis, М.В.Kinney ва А.Nicholls, П.Митчел каби олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Мазкур диссертация тадқиқот ишида эса юқорида номлари қайд этилган педагог олимларнинг назарий хулосаларига таянган ҳолда бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш ҳамда таълим жараёнида инновацион усулларини қўллаш тадқиқ қилинди ва қушбу ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, креатив ёндашувлар асосида инновацион фаолиятни шакллантириш, таълим тизимининг барча босқичларида амалга ошириладиган фаолиятни такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” мавзуидаги (2017-2020 йй) лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятнинг педагогик хусусиятларга бўлган рағбатлантиришнинг мотивацион таъсирини, ўқув жараёни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштириш асосида аниқлаш;

бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш;

олий таълим муассасаларида креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятни ривожлантирувчи таълим технологиялари орқали инновацион фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш;

олий таълим муассасаларида инновацион фаолият жараёнини самарали ташкил этишда бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга ёндашув асосидаги креативлигини белгилашга қаратилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш асосида тизимли тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари талабаларида креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни белгиланиб, Бухоро, Самарқанд, Қарши давлат университетларидан жами 578 нафар талаба жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда педагогик тадқиқотларда қўлланиладиган адабиётлар таҳлили, кузатув, умумлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, педагогик эксперимент, математик-статистик ишлов бериш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда доимий янгиликка интилувчанлик, ташаббускорлик, топқирлик ва тадқиқотчилик каби педагогик хусусиятларга бўлган рағбатлантиришнинг мотивацион таъсирини ўрганиш асосида талабалар билимини касбий ва шахсий компетенцияларга трансформациялаш орқали янги ғояларни излаш, қайта ишлаш ва амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштириш асосида аниқлаштирилган;

педагогик инновацияларга ностандарт ёндашув, янгиликларни жорий этишга услубий ва технологик тайёргарлик, ижодий тафаккурни ривожлантиришга устуворлик бериш асосида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни креативликни намоён қилишга мўлжалланган педагогик шарт-шароитларни (ташқил этиш, бошқариш, назорат қилиш ва методик таъминлаш) белгилаш орқали такомиллаштирилган;

талабалар ўқув фаолиятида мустақил ўз-ўзини баҳолашга йўналтирилган интегратив таълимнинг имкониятларини ижодий-касбий фаолиятни йўлга қўйиш, ривожлантириш, ўқувчилар билан вужудга келиши мумкин бўлган низоли вазиятларни ҳал қилиш, мавжуд қийинчиликларни бартараф этишда гуруҳни ҳамжихатликда ишлашга сафарбар этиш ва келажак лидерларини кашф қилишни ўз ичига олган ноанъанавий машғулотларни ташқил этиш орқали инновацион фаолиятга тайёрлаш методикаси такомиллаштирилган;

инновацион фаолиятнинг мотивацион, рефлексив, технологик ва креатив каби компонентларининг педагогик имкониятларини аниқлаштириш асосида касбий фаолиятни илмий асосда ташқил этиш, тартибга солиш ва меҳнат шароитини ижтимоий натижадорликка йўналтириш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг тайёргарлиги репродуктив, эвристик ва креатив каби даражалари педагогик яхлитлик нуқтаи назардан тизимли тавсифланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларини креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш технологияларини ишлаб чиқишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари аниқланган ва асослаб берилган ҳамда унинг амалиётга тадбиқ этишнинг механизми тавсия этилган;

“инновация”, “креативлик”, “ижодкорлик” каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳияти муаллифлик талқини асосида очиб берилган;

бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятни ривожлантириш модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тадқиқотнинг назарий-методологик асослари, унга мос даражадаги методлар ва тадқиқот методикалари мажмуасининг, математик-статистика усулларининг ишончлилиги ва самарадорлиги ҳамда эмпирик тадқиқот натижаларини тўғри талқин қилиниши, бевосита муаммога дахлдор

бўлган манбалардан фойдаланилганлиги, математик-статистик методларни самарали қўлланилганлиги, концептуал ва илмий асосга эга хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлашнинг асосий принциплари такомиллаштирилганлиги, бу фаолиятга доир илмий, илмий-оммабоп, ўқув-методик, методологик адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, илм-фаннинг инновацион фаолият билан интеграциявий механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида илмий, таълим ва тарбиявий муассасалар ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ишлаб чиқилган моделидан олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилишда, педгог кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлардан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар ва луғатларни такомиллаштиришда, шунингдек, маънавият ва маърифат ўқув марказларининг ўқув тарбия фаолиятида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, ОАВда шу муаммоларга оид кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар асосида:

бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда доимий янгиликка интилувчанлик, ташаббускорлик, топқирлик ва тадқиқотчилик каби педагогик хусусиятларга бўлган рағбатлантиришнинг мотивацион таъсирини ўрганиш асосида талабалар билимини касбий ва шахсий компетенцияларга трансформациялаш орқали янги ғояларни излаш, қайта ишлаш ва амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиришга оид хулосалар ва тавсиялардан АИФ 2/20 – “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифати” (2019-2021 йй) лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Бухоро муҳандислик-технология институтининг 2021 йил 15 декабрдаги 87-04-3244-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим жараёнида инновацион фаолиятга тайёрлашнинг манбалари ва ресурслари мазмунини ҳамда бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш имконини берган;

педагогик инновацияларга ностандарт ёндашув, янгиликларни жорий этишга услубий ва технологик тайёргарлик, ижодий тафаккурни

ривожлантиришга устуворлик бериш асосида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни креативликни намоён қилишга мўлжалланган педагогик шарт-шароитларни белгилашга доир назарий умумлашма ва хулосалардан ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй) фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 4 октябрдаги 01-04/01-706 сон маълумотномаси). Натижада, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда янгича усул ва воситалар, технологик ишланмалар ва бу фаолиятни амалга оширишда креативликни намоён қилиш механизмларини яратишга хизмат қилган;

талабалар ўқув фаолиятида мустақил ўз-ўзини баҳолашга йўналтирилган интегратив таълимнинг имкониятларини ижодий-касбий фаолиятни йўлга қўйиш, ривожлантириш, ўқувчилар билан вужудга келиши мумкин бўлган низоли вазиятларни ҳал қилиш, мавжуд қийинчиликларни бартараф этишда гуруҳни ҳамжихатликда ишлашга сафарбар этиш ва келажак лидерларини кашф қилишни ўз ичига олган ноанъанавий машғулотларни ташкил этиш орқали инновацион фаолиятга тайёрлаш методикасига оид хулоса ва тавсиялар Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Долзарб мавзу”, “Устозлар ҳақида”, “Таълим оламиз”, “Интервью плюс”, “Ассалом Бухоро”, “Бухорийлар бўстони” каби кўрсатувларнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 8 ноябрдаги 1/293-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

инновацион фаолиятнинг мотивацион, рефлексив, технологик ва креатив каби компонентларининг педагогик имкониятларини аниқлаштириш асосида касбий фаолиятни илмий асосда ташкил этиш, тартибга солиш ва меҳнат шароитини ижтимоий натижадорликка йўналтириш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг тайёргарлиги репродуктив, эвристик ва креатив каби даражаларига оид илмий асосланган тавсиялардан Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй) фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 4 октябрдаги 01-04/01-706 сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасаларида креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари жами 9 та шундан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 6 таси хорижий журналларда 4 таси республика журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлашнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш педагогик муаммо сифатида изоҳланиб, бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлашнинг мавжуд аҳволи ҳамда бўлажак ўқитувчилар фаолиятида креатив ёндашувнинг ўзига хослиги каби масалалар баён қилинган.

Инновацион фаолият-педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд метод, шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутди. Таълимдаги инновациялар ва инновацион педагогик фаолият ҳақида барқарор илмий тасаввурлар ва таснифларни мукамал таркиб топиши замон талаби ҳисобланади. Шунингдек, таълимий билим ва амалий педагогик фаолият ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлаш зарур. Ўқитувчи инновацион фаолиятнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда оммалаштиришда иштирок этади.

Инновацион фаолиятнинг мақсади - сарфланган кучдан энг юқори натижа олишдан иборат. Бошқа турли-туман ўз-ўзидан пайдо бўладиган янгиликлардан фарқли ўлароқ, инновация бошқарилувчи ва назорат қилинувчи ўзгаришлар механизмини ташкил этади. Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли «новация» ва «инновация» тушунчалари ўртасидаги умумийлик ва фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: новация амалдаги назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхлит ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Таълим тизимидаги инновациялар, уларни амалиётга киритиш, инновацион жараёнларни бошқаришни таҳлил қилиш орқали инновацион фаолият тушунчасини таърифлаш имконияти пайдо бўлди. Инновацион педагогик фаолият - узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиққан педагог олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагилар инновацион педагогик фаолиятнинг асосий белгилари ҳисобланади:

- ижодий педагогик фаолиятнинг илмий-назарий жиҳатларини эгаллаш;
- педагогик илмий-тадқиқот методларини эгаллаш ва амалда қўллаш;
- яратувчанлик қобилиятига эга бўлиш;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошириш;
- педагог-ўқитувчилар тажрибаларини ўрганиш, ёйиш ва оммалаштириш;
- ҳамкасблар билан доимий ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- ўзаро фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олиш кўникмасига эга бўлиш;
- педагогик жараёндаги зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.

Бўлажак ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашда аввало, педагогик фаолиятни илмий асосда ташкил этиш, тартибга солиш ва меҳнат шароитини ўз фаолиятига мослаштириш, касбий фаолиятга эришишда интеллектуал, креатив, мотивациявий, иродавий, шахсий, ахлоқий ва бошқа хусусиятларини ривожлантириш зарур. Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни объектив ва субъектив омилларга асосланади (1-расм)га қаранг.



1-расм. Бўлажак ўқитувчини креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни

Бизнинг фикримизча бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёргарлигини таҳлил қилишни 3 босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Янгиликни педагогик фаолиятда қўллаш учун олдинги даврдаги ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш.

2. Инновацион фаолиятнинг фаол шаклланиш даврини таҳлил қилиш.

3. Педагогик жараёнга янгилик киритилиб бўлгандан кейинги даврдаги фаолиятни таҳлил қилиш.

Бўлажак ўқитувчиларда инновацион ёндашувнинг қарор топиши ҳам мураккаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади. Яъни:

1- тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади.

2-босқич: мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритади.

3-босқи: янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради.

4-босқич: ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз муаллифлик концепцияси ёки методикасини яратади.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик-психологик имкониятлари”** номли иккинчи бобида бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш омиллари, бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш имкониятлари илмий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш технологиялари ва мазмуни ёритиб берилган.

Олий таълим муассасаларида ўқитиш тизимини самарали ташкил этиш учун билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш билан бир қаторда, ҳозирги кунда таълимда ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялашга қаратилган технологиялар ва шахсга таъсир этиш йўлларини яратишга, тайёрлигини таъминлашга тобора эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ихтисослик фанларининг мазмуни ва методикасини такомиллаштиришга, бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишига оид муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратиш лозим. Олий таълимнинг ўзгарувчан мақсадлари таълим жараёнини ижодий лойиҳалаштириш, муаллифлик ишланмаларини яратиш, инновацион фаолиятни амалга ошириш имкониятига эга бўлган ўқитувчиларни тайёрлаш йўналишида модернизация қилиш заруриятини долзарблаштиради.

Бўлажак ўқитувчининг инновацион фаолияти - бу тайёрлик даражаси юқори, педагогик маданиятни шакллантиришга имкон берувчи интегратив хусусият бўлиб, ўқув-тарбия жараёнида кафолатланган натижани бериши, юқори даражага эришишни таъминлашга қаратилган амалий ҳатти-ҳаракатлар мажмуасидир.

Инновацион фаолиятни ривожлантириш жараёнини амалга оширишнинг зарур шартларидан бири бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини рағбатлантирувчи чора-

тадбирлари мажмуини тузиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Қуйида ушбу чора тадбирларнинг мазмуни кўрсатиб ўтилган (1-жадвал)га қаранг.

1- жадвал

Инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини рағбатлантирувчи чора-тадбирлари

| Рағбатлантириш тури | Амалга ошириш механизми |
|--------------------------------|--|
| Моддий рағбатлантириш | Инновацион фаолиятни моддий қўллаб-қувватлаш, уни жорий этишни моддий рағбатлантириш; |
| Маънавий рағбатлантириш | Инновацион фаолиятда кўрсатилган муаммоларни жамоатчилик томонидан тан олиниши; ҳамкасблар билан ҳамкорликда муҳим касбий масалада иштирок этган ижодкор сифатида ўзини англаш имконияти; инновацион фаолият натижаларини эълон қилиш имконияти; |
| Касбий рағбатлантириш | Алоҳида йўналтирилган ёрдам, мақсадли курсларда ўқиш имконияти, тадбирларда иштирок этиш, ташкилий ва фаолият ўйинлари, малака тоифаларини аттестациядан ўтказиш вақтида инновацион фаолиятга алоҳида эътибор бериш. |

Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича олиб бориладиган ишларнинг муҳим йўналишларидан бири уларга алоҳида йўналтирилган методик ёрдам кўрсатиш ва ижодий ишларни ташкил этишда кўмаклашишдир.

Инновациялар янгича мазмунга эга бўлган ғоя туғилганда, анъанавий муаммони янгича ҳал этишга уринишлар натижасида, далиллар тўплаш ва тушуниш жараёнининг узок давом этиши натижасида пайдо бўлади. Инновацион жараён метод, технологиялар ва бошқаларни яратиш, ривожлантириш, улардан фойдаланиш учун мотивлаштирилган, мақсадга мувофиқ ва онгли жараён ҳисобланади ҳамда бу шартларга мослашган ва муайян мезонларга жавоб беради. У янгилик киритилаётган тизимни сифат жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унинг иштирокчиларини рағбатлантириш ва ўз қарашларини янгилик позициясидан ўзгартиришни ўз ичига олади.

Бўлажак ўқитувчи инновацияни ўзлаштириш жараёнида умуминсоний маданий-педагогик кадриятларни ўз-ўзини англашнинг ривожланиш даражаси ва ички дунёсининг чуқурлиги унга имкон берадиган даражада юксалади. Креатив ёндашув асосидаги инновацион фаолият бўлажак ўқитувчига таълим-тарбия жараёнига янгилик киритиш ҳақида ўз-ўзини ривожлантиришга имкон беради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчиларнинг креатив ёндашув асосида инновацион фаолияти тузилмаси ишлаб чиқилди (2-расм)га қаранг.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ТУЗИЛМАСИ



2-расм. Бўлажак ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси

Ҳозирги таълим тизими туб ислохотлар шароитида ривожланмоқда ва унда таълим олувчиларни қандай ўқитиш эмас, балки уларни қандай қилиб ўқишга ўргатиш масаласи асосий эътиборда бўлмоқда, яъни “ўқитувчи–дарслик–таълим олувчи” тузилмаси ўз функционал вазифасини “таълим олувчи–дарслик–ўқитувчи” тузилмаси билан алмаштирилмоқда. Бу эса таълим тизими олдида замонавий техника ва технологияларни ўзлаштирган, мустақил фикрлай оладиган ҳамда тегишли хулосалар чиқара оладиган ижодкор шахсни шакллантиришни талаб қилмоқда.

Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти таълимнинг юқори сифати учун зарур шартдир, чунки у талаб қилинган талабаларга замонавий билимларни креатив ёндашув асосида тўлиқ етказилишини таъминлайди. Юқори сифатли таълим-тарбияга бўлган талабни қондиришга қаратилган, талабаларнинг зарур малакалари ва шахсий ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу хусусиятлар асосида бўлажак ўқитувчиларни креатив

ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлашнинг такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилган (3-расм)га қаранг.



3-расм. Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш модели

Диссертациянинг “Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш тизими ва унинг самарадорлиги” номли учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тадқиқот ишида бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммосининг амалиётдаги мавжуд ҳолатини ўрганиш, тўпланган маълумотларни таҳлил этиш, муайян хулосаларга келиш ва шу асосда муаммонинг умумий ҳолатига баҳо беришга йўналтирилган амалий фаолиятни амалга ошириш муҳим ўрин тутди.

Тажриба-синов ишларини амалий фаолиятли ёндашув асосида ташкил этишни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги ва тажриба-синов майдончаларида амалга оширилувчи дастлабки тажрибавий фаолият, истиқболдаги ҳаракатларнинг муҳим қисми сифатида намоён бўлишини

назарда тутган ҳолда уни самарали ташкил этишга ҳаракат қилинди. Дастлабки - асословчи тажриба-синов ишлари муайян дастур асосида олиб борилди. Асословчи тажриба-синов ишлари ҳамда ушбу тажриба иши учун назарий асос бўлган тажриба-синов дастури тузилди.

Асословчи тажриба-синов ишининг самарасини кафолатлайдиган дастур қуйидагиларни ўз ичига олди:

1. Ташкилий-тайёргарлик босқичи. Ушбу босқичда асословчи тажриба-синов ишларини ўтказишнинг вазифалари белгилаб олинди:

а) тажриба-синов ишларини йўлга қўйиш ва тадқиқот мақсадини амалга ошириш учун ҳар томонлама қулай бўлган тажриба майдонлари танланди;

б) тажриба майдонлари сифатида белгиланган олий таълим муассасаларининг раҳбарияти ва уларнинг ташкил этилиши учун масъул бўлган шахсларнинг розилиги асосида тажриба-синов жараёнининг умумий даври ва босқичлари расмийлаштирилди;

в) тажриба-синов ишларининг амалга оширилишида асосий субъект сифатида намоён бўлувчи респондент-талабаларнинг сони ва таркиби аниқлаб олинди, респондентлар тахминий равишда тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди.

2. Тажриба-синов ишларини бевосита ташкил этиш жараёни аниқлаштирилди. Мазкур жараёнда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

а) дастлабки тажриба-синов ишлари учун асос бўладиган Педагогика ва психология таълим йўналишида ўқитиладиган “Педагогика назарияси ва тарихи” фанидан машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ишланмалар тайёрланди ва уларнинг мазмуни тадқиқот иши бажарилаётган Бухоро давлат университети “Педагогика” кафедрасининг йиғилишларида муҳокамадан ўтказилди, муҳокама жараёнида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ишланмалар мазмунан тўлдирилди ва бойитилди;

б) талабалар иштирокида учрашув, суҳбатлар ташкил этилиб, ушбу жараёнда амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларнинг моҳияти, тажриба-синов ишларини олиб борилишидан кўзланган асосий мақсад, кутилаётган натижалар, шунингдек, талабаларнинг амалий фаолият доирасидаги иштироклари борасида тушунчалар берилди;

в) олий таълим муассасаларида ўтказилиши йўлга қўйилган бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш ишлари мазмунини назарий таҳлил этиш асосида мазкур инновацион фаолиятга тайёрлашнинг талабаларда касбий сифатларни такомиллаштириш имкониятлари аниқланди;

г) анкета сўровлари, тест топшириқлари, суҳбат, интервью ҳамда педагогик кузатиш методлари ёрдамида олий таълим муассасалари талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлик даражаси ўрганилди.

3. Асословчи тажриба-синов ишларининг якуний босқичида қуйидаги вазифалар бажарилди:

а) амалий жараёнда аниқланган маълумотлар умумлаштирилди;

б) умумлаштирилган кўрсаткичлар математик-статистик методлар ёрдамида қайта таҳлил этилди;

в) математик-статистик таҳлил натижаларига мувофиқ умумий хулосаларга келинди.

Олий таълим муассасалари талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш соҳасида ташкил этилган амалий фаолият учун объект (тажриба майдони) сифатида Бухоро, Самарқанд, Қарши давлат университетлари танланди. Мазкур олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг 578 нафари тажриба-синов ишлари учун респондент этиб белгиланди ва улар мақсадли равишда 282/296 нафар тарзида тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди.

Олий таълим муассасаларида олиб борилаётган инновацион фаолиятга йўналтирилган ўқитиш жараёни мазмунини назарий жиҳатдан таҳлил этиш натижалари шундан далолат бердики, мазкур фаолият натижасида талабаларда креатив фикрлаш сифатларини такомиллаштириш имконини беради.

Бу борада олий таълим муассасалари ўқув дастуридаги мавзуларнинг талабалар ўзлаштирганлик даражаларига қараб ушбу йўналиш бўйича талабаларнинг тайёргарлик даражасини ривожлантириш имконияти юқори даражада эканлиги аниқланди.

Олий таълим муассасалари талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини бугунги талаблар асосида ташкил қилиш учун ўтказилган тажриба-синов натижалари тажриба-синов охирида қуйидагича кўринишни олди (2-жадвал)га қаранг.

2-жадвал

Ўтказилган тажриба-синов натижалари


| Талабаларнинг ўзлаштириш даражалари | Тажриба гуруҳида $m=282 X_i$ | | Назорат гуруҳида $n=296 Y_i$ | |
|-------------------------------------|---------------------------------|-----------------|---------------------------------|-----------------|
| | Тажриба бошида | Тажриба охирида | Тажриба бошида | Тажриба охирида |
| Юқори | 86 (30%) | 104 (37%) | 74 (25%) | 77 (26%) |
| Ўрта | 94 (34%) | 125 (44,3%) | 102 (34,4%) | 112 (38%) |
| Қуйи | 102 (36%) | 53 (18,7%) | 120 (40,6%) | 107 (36%) |

Тажриба ва назорат синфидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторга эга бўламиз.

1 – танланма X_i : юқори; ўрта; қуйи;
(тажриба гуруҳи) t_i : 104; 125; 53;
 $t=282$

2 – танланма Y_i : юқори; ўрта; қуйи;
(назорат гуруҳи) n_i : 77; 112; 107.
 $n=296$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма (4-расм)да кўрсатиб ўтилган.



4-расм. Талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини ривожланганлик даражаси диаграммаси

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Тажриба гуруҳи натижалари назорат гуруҳи натижаларидан юқори эканлиги аниқланди.

ХУЛОСА

1. Республикамизда илм-фан ва таълим ислоҳотини чуқурлаштириш шароитида бўлажак олий маълумотли мутахассисларнинг назарий ва амалий тайёргарликлари билан уларда инновацион педагогик фаолиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик заруриятга айланганлиги аниқланди.

2. Инновацион педагогик фаолият ўз мазмун-моҳияти билан шахсда касбий билим, касбга эътиқод, касбни севиш, хулқ-одоб, дид, нафосат, ақл-заковатни ўзида мужассамлаштирган жараён бўлиб, унинг ривожланиши ва такомиллашиши мумкинлиги илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асосланди.

3. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий-амалий асослари ҳамда педагогик ва методик тизими аниқланди.

4. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашга қаратилган жараённи ривожлантиришни амалга ошириш учун муайян принципларга таяниши лозимлиги аниқланди. Тадқиқот жараёнида ушбу принциплар ишлаб чиқилиб, уларга асосланган ҳолда инновацион фаолият кафолатли натижани бериши аниқланди.

5. Инновацион фаолиятнинг замонавий шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилиб, улар ўқув-тарбия жараёнида самарали қўлланилганлиги сабабли кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги аён бўлди.

6. Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини ривожлантиришда ўқув-тарбия жараёнининг

имконияти катталиги инобатга олиниб, ушбу ишлар мазмунидан талабаларга касбга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш билан биргаликда маънавий-ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик, ақлий, ҳуқуқий компетенцияларни ҳам ривожлантириш самарали натижаларга олиб келиши исботланди.

7. Таълим муассасаларида амалга оширилган тажриба-синов натижалари инновацион педагогик фаолиятни ривожлантиришни муайян режа ва дастур, аниқ ташкилий ҳамда педагогик шарт-шароитларга таянган ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлади. Натижада бўлажак ўқитувчиларда касбга оид билим, эътиқод, кўникма, малакаларнинг шаклланиши ва улар талабаларнинг педагогик фаолиятга киришиб кетишига сабаб бўлганлиги аниқланди.

8. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашга қаратилган жараён юқори малакали касб эгаси, янгилик яратувчи, тадбиркор, ишбилармон, ижтимоий-сиёсий фаол шахс қилиб тарбиялаш, уларда илмий-тарихий дунёқараш, маънавий-ахлоқий салоҳият, жисмоний баркамолликни сингдириш таълим муассасаларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлашга қаратилган жараённи ривожлантириш учун қуйидагиларга амал қилиш **тавсия** этилади:

- бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва таълим ислоҳоти талаблари асосида ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш;

- бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга доимий тайёрлаб бориш мақсадида олий таълим муассасалари ўқув режасидаги танлов фанлар блокига “Инновацион педагогик фаолият” фанини киритиш ва уни ўқитиш бўйича ўқув дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

- бўлажак ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш учун уларни 1-курсдан бошлаб босқичма-босқич инновацион фаолиятга тайёрлаб бориш, мустақил равишда инновацион ғояларни излаш, топиш ва улардан фойдаланиш кўникмасини ривожлантириш мақсадида инновацион ғоялар танлови ва инновацион лойиҳалардаги иштирокларини кучайтириш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; Part I)

1. Jumayeva M.A. The oportunitles of the prepararation of students to intellectual activity based on the creative approaches. // Natural Volaties and Essential Oils Journal NVEO . Volume:8 Issue: 4. 2021.P.13909-13917. (Indexed by Scopus)

2. Jumaeva M.A. Effective ways of preparing future teachers for innovative activities based on a creative approach. // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 7 No. 12, 2019. - P. 461-466, (13.00.00; № 3).

3. Jumaeva M.A. Preparinc future teachers in a creative approach for teachinc. Novateur Rublikation. // Journal INX-A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal.ISSN No: 2581-4230.VOLUME 6, ISSUE 5 May-2020. P. 203-208. (Indexed by Citefactor Index = 6)

4. Жумаева М.А. Педагогик фаолият ва унинг мазмуни. // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2019. 4-сон. – Б. 93-96, (13.00.00.№23).

5. Жумаева М.А. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда замонавий ёндашувлар. // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2021. 4-сон. - Б. 62-66, (13.00.00.№23).

6. Жумаева М.А. Талабаларни креатив ёндашувлар асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш имкониятлари. // Психология. – Бухоро, 2021. 4-сон. - Б.45-49, (13.00.00.№14).

7. Жумаева М.А. Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш. “Замонавий ишлаб чиқаришнинг муҳандислик ва технологик муаммоларини инновацион ечимлари” халқаро илмий анжуман материаллари. Бухоро – 2019. 14-16-ноябрь. 676-679 б.

8. Жумаева М.А. Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш омиллари // International research and practice conference Engineering & Technology. Egypt - 2021. P. 86-89.

9. Жумаева М.А. Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш имкониятлари // Science community: web of conferences/Komunitas sains: web konferensi October-December, 2021 Djakarta, Indonesia P. 28-30.

10. Жумаева М.А. Педагогика фанини ўқитишда инновацион фаолиятни ривожлантириш омиллари. “Бошланғич таълимга рақамли технологияларни татбиқ этишнинг замонавий тенденциялари ва ривожланиш омиллари” Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Бухоро - 2021. Б. 60-62.

II бўлим (II часть; Part II)

11. Jumaeva M.A. Fundamentals of the implementation of pedagogical innovation. Novateur Rublikation. Journal INX-A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. ISSN No: 2581-4230. VOLUME 6, ISSUE 5 May-2020. P. 3-6. (Indexed by Citefactor Index = 6)

12. Jumaeva M.A. Innovative change in the national economy is the key to innovation in all areas. // ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal 2020. P. 927-931. (SJIF 2020: 7.13)

13. Джумаева М.А. Интерактивное обучение – гарантия качества. “Вестник магистратуры” 2019, №4. ISSN 2223-4047.

14. Жумаева М.А. Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш омиллари. // Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. 2021. 11-сон. –Б. 553-559. (13.00.00.№23).

15. Жумаева М.А.Олимов Ш.Ш. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда педагогика фанини ўқитишни такомиллаштириш. “Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда инновацион ёндашувлар” мавзусидаги Республика илмий амалий анжумани материаллари тўплами. Бухоро, 2019. 9-13 бетлар.

16. Жумаева М.А. Олимов Ш.Ш. Самиева Ш.Ҳ. “Инновацион педагогик фаолиятни ташкил этиш технологияси” фанидан электрон дарслик. Электрон дарслик. 2020.

17. Жумаева М.А. Инновацион педагогик фаолиятнинг йўналишлари. “Талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг инновацион механизмларини такомиллаштириш йўллари: муаммо ва ечимлар” Халқаро ташкилотлар иштирокида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. Бухоро - 2020. Б.546-550.

18. Жумаева М.А. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти.”Енгил саноатда фан-таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ечимлари”. Республика илмий-амалий анжумани. 2021 йил.21 апрел. Б. 257-259.

19. Жумаева М.А. Бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда педагогик маҳоратнинг ўрни.“Енгил саноатда фан-таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ечимлари”. Республика илмий-амалий анжумани. 2021 йил. 21 апрел. Б. 223-225.

20. Жумаева М.А. Олимов Ш.Ш. Тадабаларни креатив ёндашув асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш хусусиятлари. “XXI аср психологияси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. 2021 йил. 9 сентябр. (онлайн конференция). Б.165-170.